



## РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТГА ЎТИШ ШАРОИТИДА АҲОЛИ БАНДЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ Йўналишлари

*PhD Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович*  
Гулистон давлат университети  
*Бегимкулов Жавоҳирбек Жўракул ўғли*  
Гулистон давлат университети

**Аннотация.** Ушбу мақолада мамлакатимизга кириб келаётган рақамли технологиялар таъсирида меҳнат бозорининг ҳолати, аҳолининг бандлик кўрсаткичлари, замонавий бандлик шакллари, бу борада хорижий ва маҳаллий олимларнинг қарашлари, АКТ соҳасида бандлик даражаси таҳлили ва соҳага оид бир қатор масалалар ўрганилди. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳоли бандлиги таъминлаш бўйича тегишли тартибда хулоса ва таклифлар келтириб ўтилди.

**Калит сўзлар:** бандлик, рақамли технологиялар, масофавий иш, меҳнат шартнома, келишув, интернет, иқтисодиёт, аҳоли, ходим, меҳнат бозори, самарадорлик.

## сферы занятости В КОНТЕКСТЕ ПЕРЕХОДА К ЦИФРОВОЙ ЭКОНОМИКЕ

*PhD Юсуфалиев Олимжон Абдурахмонович*  
Гулистанского государственного университета,  
*Бегимкулов Джавохирбек Джсуракул угли*  
Гулистанского государственного университета

**Аннотация.** В данной статье рассмотрено состояние рынка труда под влиянием проникновения цифровых технологий в нашу страну, показатели занятости населения, современные формы занятости, мнения зарубежных и отечественных ученых на этот счет, анализ уровня занятости в секторе ИКТ и ряд вопросов, связанных с развитием отрасли. В контексте перехода к цифровой экономике были сделаны выводы и предложения в соответствующем порядке по обеспечению занятости населения.

**Ключевые слова:** занятость, цифровые технологии, удаленная работа, трудовой договор, соглашение, Интернет, экономика, население, работник, рынок труда, эффективность.

## AREAS OF EMPLOYMENT IN THE CONTEXT OF THE TRANSITION TO THE DIGITAL ECONOMY

*PhD Yusufaliyev Olimjon Abduraxmonovich* –  
Gulistan state university  
*Begimkulov Javokhirbek Jurakul ugli* -  
Gulistan State University

**Annotation.** This article examined the state of the labor market under the influence of digital technologies entering our country, employment indicators of the population, modern forms of employment, the views of foreign and domestic scientists in this regard, the analysis of the level of employment in the ICT sector and a number of issues related to the industry. In the context of the transition to the digital economy, conclusions and proposals were made in the appropriate order for the provision of employment of the population.

**Keywords:** employment, digital technology, remote work, employment contract, agreement, Internet, economy, population, employee, labor market, efficiency.

### **Кириш.**

Ҳозирги кунда жаҳонда рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши жадал суръатлар билан амалга ошмоқда. Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши истеъмолчилар талабини тўлиқ қондириш ва иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларида меҳнат унумдорлигини ошириш имконини беради. Электрон тижорат товарлар ва хизматлар реализациясини тезлаштириш асосида инқирозларни олдини олиш имконини беради. Бунда виртуал тўловлар тизими товар айланишини тезлаштиради. Интернет реклама эса ўз навбатида реклама аудиториясини бутун дунё миқёсида кенгайтириш имконини беради.

Ахборот технологияларининг ривожланиши билан бугунги кунда иш билан бандликни таъминлашнинг янги йўналишлари пайдо бўлмоқда. Иш берувчилар ихтиёрий равишда ва хоҳишига кўра ходимларни ишга ёллаш имконига эга бўлмоқдалар ва географик жойлашуви ҳамда вақтдаги фарқ аҳамиятга эга эмас. Ходимлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўз вазифаларини бажаришга қодир бўлиб, уйдан ташқарига чиқмасдан, ҳар қандай вақтда белгиланган вазифани бажариш имконига эга бўлишмоқда.

Миллий меҳнат бозорлари ишлаш механизмлари рақамли иқтисодиётнинг ривожланиш қонуниятларига кўра такомиллаштирилиши лозимлигини инобатга олган ҳолда, халқаро меҳнат ташкилоти ўзининг 2030 йилгача қабул қилган “Барқарор ривожланиш” концепциясида кўрсатилганидек, меҳнат билан банд бўлишнинг янги турларини рақамли платформаларга инвестициялар қиритган ҳолда ривожлантиришни талаб этади. Таъкидлаш жоизки, меҳнат бозорини ривожланишини кўзда тутувчи бундай рақамли – платформаларга киритиладиган инвестициялар ва улардан олинadиган фойда дунё бўйлаб нотекис тақсимланган: инвестицияларнинг 96 фоизи Осиё, Шимолий Америка ва Европага тўғри келади, даромаднинг 70 фоизи эса фақат икки давлат – АҚШ ва Хитой томонидан ўзлаштирилади (Махаммадиев, 2022).

Жаҳон тажрибаси рақамли технологияларнинг меҳнат бозоридаги турли касбий-малакавий сегментларга кўрсатадиган таъсири натижасида шаклландиган аҳоли бандлигини таъминлаш механизмини ишлаб чиқишни кўзда тутуди. Бу ўз навбатида рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида меҳнат бозорини тартибга солишнинг ва уни баҳолашнинг янги усулларини ишлаб чиқиш заруриятини келтириб чиқаради. Бундай шароитда аҳолини иш билан таъминлаш ва ишсизликни давлат томонидан тартибга солиш механизмларини ишлаб чиқишга ёрдам берадиган омилларнинг натижавий таъсирини баҳолашни назарда тутадиган рақамлаштирилган меҳнат бозори институтларини ташкил этилган ҳолда чуқур илмий тадқиқотлар олиб борилишини талаб қилади.

Ўзбекистон шаритида иқтисодиётни рақамлаштириш жараёнларининг меҳнат бозорига таъсирини прогноз қилишдаги асосий муаммоларни келтириб чиқарадиган ушбу йўналишдаги долзарб масалаларни тизимли равишда тадқиқ этилишини тақозо этади. Чунки бу йўналиш ривожланаётган мамлакатларда ҳам кам ўрганилганлиги боис, ҳар бир миллий иқтисодиётдаги меҳнат бозорининг шаклланиш ва ишлаш механизмлари ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Ана шу хусусиятлар уларнинг самарадорлигини белгилаб беради ва ўз навбатида, меҳнат бозори самарадорлигини баҳолаш усулларини ишлаб чиқиш ва уларни янада такомиллаштириш долзарб масала ҳисобланади.

Бугунги кунда таклиф этилаётган меҳнат бозори фаолиятининг ахборот модели доирасида унинг ахборот базасини яратишнинг ўзига хос хусусиятларига алоҳида эътибор берилмоқда. Бу ахборот базаси рақамли иқтисодиётда рақамли ва ахборот технологияларини ривожлантириш истиқболларини эътиборга олган ҳолда, оммавий рақамлаштиришнинг мамлакат иқтисодиёти ва ижтимоий ҳаётига таъсири хусусиятларини кўрсатадиган меҳнат бозорининг шаклланиши ва фаолият кўрсатиш аспектларини акс эттириши зарурлиги аниқланди. Айни дамда бу соҳадаги мавжуд статистика тизими биз фикр юритаётган хусусиятларни тўлиқ маънода акс эттира олмайди, шунинг учун иқтисодиётни рақамлаштиришни ҳисобга олган ҳолда меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотларини тўплаш ва ишлов бериш бўйича аниқ бир механизмни ишлаб чиқишимиз зарур бўлади.

### **Адабиётлар шарҳи.**

Shkarlet (2020) рақамли иш жойи жисмоний иш жойининг виртуал эквиваленти бўлиб, у тўғри ташкил этиш, фойдаланиш ва бошқаришни талаб қилади, чунки бу ходимларнинг самарадорлигини ошириш ва улар учун янада қулай иш шароитларини яратиш учун калит

бўлиши керак. Рақамли иш жойи доимий ишчини маълум бир жойда бўлишини талаб қилмайди ва ҳар қандай қурилмада ва исталган вақтда ишлаш учун компания ходимлари ўртасида ахборот, технологиялар, жараёнлар ва ҳамкорлик воситаларидан фойдаланишни ўз ичига олади.

Schwab (2017) фикрига кўра: «тўртинчи sanoat инқилоби бундан олдинги инқилоблар билан таққослаганда янги тармоқларда камроқ иш ўринлари яратади .... АҚШ меҳнат ресурсларининг атиги 0,5%и аср бошида мавжуд бўлмаган тармоқларда банд; янги иш ўринларининг 8%дан ками ўтган асрнинг 80-йилларида ва янги иш ўринларининг 4,5%и – тўқсонинчи йилларда яратилган. Рақамли иқтисодиётда ахборот ва бошқа илғор технологияларга инвестициялар жалб қилиш учун қўшимча меҳнат талаб қиладиган кўплаб маҳсулотлар яратиш эмас, балки мавжуд ишчиларни юқори малакалиларига алмаштириш талаб қилинади». Технологик инновацияларнинг ишсизликка таъсирига кўра: «АҚШда иш ўринларининг 47%га яқини, эҳтимол, кейинги йигирма йил давомида автоматлаштириш рискига учрайди, бу ўтган sanoat инқилоблари давомида рўй берган меҳнат бозоридаги ўзгаришлар жараёнидан кўра тезроқ яқсон қилинадиган кенгроқ доирадаги касблар билан тавсифланади. Бундан ташқари, меҳнат бозорида кутблашувнинг ўсиш тенденцияси мавжуд. Бандлик юқори даромад келтирадиган когнитив ва ижодий касбларда, кам даромад келтирадиган қўл меҳнатидан ортади, лекин ўртача даромад келтирадиган стандарт касбларда талаб эса пасаяди деб айтиб ўтган.

Иш билан бандликнинг замонавий шакллари, масофавий иш билан бандлик бўйича бир қатор олимлар тадқиқот олиб боришган. Давос иқтисодий форуми асосчиси ва президенти Карл Шваб рақамли иқтисодиётда асосий ишлаб чиқариш омили барибир капитал эмас, балки кадрлар салоҳияти бўлишини асослаб берган, унинг фикрига кўра «тўртинчи sanoat инқилоби бундан олдинги инқилоблар билан таққослаганда янги тармоқларда камроқ иш ўринлари яратади»<sup>78</sup>.

Одегов ва Павловаларнинг (2018) фикрича «рақамли иқтисодиётнинг ривожланишида тўпланган билимлар асосида бугунги кунда бандлик соҳаларида фарқни ва ажратишни йўқолиб боришига, соҳаларнинг интеграциялашуви ва янги касбларнинг пайдо бўлишига дуч келмоқдамиз ҳамда ушбу жараён тезлашиб бормоқда».

Сизова (2017) меҳнат, ҳамкорлик ва алмашинувнинг янги шакллари ривожланмоқда, интернет одамларни машиналар ва нарсалар билан боғлайди. Меҳнат фаолияти шаффоф бўлиб, ташқи томондан назорат қилинади. Инновациялар чегаралари кенгайиб, таълим олиш имкониятлари яхшиланиши билан меҳнат ресурслари сифати ўсиб бормоқда, аммо ходимнинг профили ва унга қўйиладиган талаблар ўзгармоқда.

Академик Абдураҳмоновнинг (2019) фикрича, «Иш берувчи билан ходимлар ўртасидаги «масофадаги муносабатлар» меҳнат фаолиятини замон ва маконда номарказлаштириш жараёнининг таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса эгилувчан виртуал меҳнат бозорини шакллантиришга ҳам хизмат қиладди». «Масофада туриб ишлаш (теле иш) иш берувчига нисбатан масофада туриб, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида бажариладиган меҳнат фаолиятидир. Иш билан бандлик бундай шаклининг асосий хусусияти иш билан ходим ўртасида виртуал тарзда «масофада туриб иқтисодий муносабатлар» ўрнатилишидир.

Холмўминов, Умурзаков, Махмудовлар (2020) рақамли иқтисодиётнинг норасмий секторида иш билан бандликни камайитиришнинг иқтисодий механизмларида мужассамланган чора-тадбирлар орасида янги иш ўринларини ташкил этиш, давлат томонидан кафолатланган тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларини киритиш, ҳамда инновацион ва иқтисодий самарали рақамли технологияларни жалб қилиш етакчи ўринни эгаллайди деб келтириб ўтган.

Насимов (2020) сўзларига кўра масофада туриб ишлашда анъанавий иш жойи хусусиятида, амал қилиш вақти, иш ўрнининг жойлашуви, меҳнатга ҳақ тўлаш шаклларида ҳам жиддий ўзгаришлар рўй бермоқда. Рақамли иқтисодиётда эндиликда ишсизликнинг мазмуни тубдан ўзгармоқда, чунки ҳозирги пайтда рақамли технологиялар орқали иш жойлари эмас, балки меҳнат вазифалари тақсимланмоқда.

<sup>78</sup> [https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The\\_Future\\_of\\_Employment.pdf](https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The_Future_of_Employment.pdf).

**Тадқиқот методологияси.**

Илмий тадқиқот давомида мақолада статистик таҳлил, маълумотларнинг қиёсий таҳлили, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида аҳолининг иш билан бандлигини таъминлаш, масофавий бандликни қўллаб-қувватлаш жараёнлари аналитик таҳлил қилинди. Тадқиқот ишимизда статистик таҳлил йўналишлари орқали муаммони чуқурроқ ўрганишга ҳаракат қилинган. Муаммолар очиб берилиб, унинг ечими сифатида тегишли тартибда хулоса ва таклифлар, асосий йўналишлар келитириб ўтилди. Тадқиқот объекти сифатида АКТ соҳасида бандлик даражаси ўрганилган.

**Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.**

Ахборот технологияларининг ривожланиши билан бугунги кунда иш билан бандликни таъминлашнинг янги йўналишлари пайдо бўлмоқда. Иш берувчилар ихтиёрий равишда ва ҳоҳишига кўра ходимларни ишга ёллаш имконига эга бўлмоқдалар ва географик жойлашуви ҳамда вақтдаги фарқ аҳамиятга эга эмас. Ходимлар ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда масофадан туриб ўз вазифаларини бажаришга қодир бўлиб, уйдан ташқарига чиқмасдан, ҳар қандай вақтда белгиланган вазифани бажариш имконига эга бўлишмоқда. Бунинг асосий сабабларидан бири маълумотлар узатиш тармоғининг кенгаётганидир (1-жадвал).

1-жадвал


**Маълумотлар узатиш тармоғи кўрсаткичлари (минг бирлик)[9]**

Кўрсаткичлар	2018	2019	2020	2021	2022
Маълумот узатувчи тармоғига уланган, Интернетни қўшган ҳолда абонентлар сони, минг бирлик	20 284,9	22 457,7	26 437,4	29 500,2	33 681,7
Интернет тармоғига уланган	13 321,7	16 386,2	19 981,0	22 987,2	26 723,6
жисмоний шахслар	12 883,3	15 750,8	19 241,3	22 112,1	25 167,9
юрлик шахслар	438,4	635,4	739,7	875,1	1 555,7
Интернет тармоғига кенг поласали уланиш бўйича абонентлар сони	622,2	725,4	1 080,0	1 457,5	1 840,3
Интернет тармоғига мобил алоқа орқали уланган абонентлар сони	12 668,6	15 651,2	17 946,5	20 991,8	24 017,6

Иқтисодиётнинг ривожланиши иш билан бандлик замонавий ностандарт шакллари пайдо бўлишига олиб келмоқда (Узақов, 2023):

- норасмий иш билан бандлик;
- виртуал иш билан бандлик;
- тўлиқсиз иш билан бандлик;
- ўзини ўзи иш билан банд қилиш;
- вақтинчалик ишсизлик.

Рақамли технологияларни жорий қилиш барча иқтисодий жараёнларни тезлатиш имконини беради, аммо бу жараёнларнинг тезлашуви оқибатида мамлакатда қандай ўзгаришлар рўй бериши – иқтисодиётнинг ривожини ёки таназзулга юз тутиши – шак-шубҳасиз инсон капиталининг ривожланишига боғлиқ бўлади. Иқтисодиётни рақамлаштириш даврида ҳамда ахборот қиймати шиддат билан ўсиб бораётган бир пайтда жамият туб ўзгаришларни ўз бошидан кечирмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, рақамли иқтисодиётда мамлакатнинг асосий активи инсон капитали ва унинг сифати бўлади, яъни, янги технологиялар соҳасида чуқур билимларга эга, уларни ҳаётга татбиқ эта олишга қодир, эски нарсаларни такомиллаштира оладиган мутахассислар асосий куч деб ҳисобланади (1-расм).



1-расм. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида бандликни таъминлаш афзалликлари<sup>79</sup>

Жаҳондаги каби мамлакатимизда ҳам инновацион иқтисодиётга мос меҳнат бозорининг инновацион ривожланиш жараёни шаклланиб бормоқда. Мазкур жараён меҳнат бозорида иш билан инновацион бандлик шакллар ва турларини жорий этишнинг ижтимоий-иқтисодий, институционал асосларини такомиллаштириш ва рағбатлантиришнинг ўзига хос механизмини шакллантиришни зарурат этмоқда. Инновацион йўналишда меҳнат бозорининг ривожланиш стратегияси замонавий ижтимоий-иқтисодий ҳодисаларни назарий, услубий ва амалий жиҳатдан таҳлил этиш ҳамда тизимлаштиришни, иш билан бандликни тартибга солиш тизимидан, унинг анъанавий йўналишларининг сифат кўрсаткичларини ўзгартиришни назарда тутувчи янги талабларни белгилайди. Ҳозирги кунда мамлакатимизда АКТ соҳасида ишлайдиган ходимлар улуши йилдан йилга ошиб бормоқда 2022 йилда 2021 йилга нисбатан бандлар сони 12,5 % га ортган (2-жадвал).

2-жадвал

АКТ соҳасида фаолият юритаётган ходимлар сони (киши)<sup>80</sup>

Худудлар	2018	2019	2020	2021	2022
Ўзбекистон Республикаси	40 248	47 697	50 157	53 782	60 462
Қорақалпоғистон Республикаси	1 031	1 233	1 302	1 222	1 124
Андижон	1 397	1 560	1 702	1 441	1 708
Бухоро	1 506	1 693	1 770	1 801	1 979
Жиззах	731	1 012	1 113	832	597
Қашқадарё	927	1 152	1 052	1 243	1 248
Навоий	1 219	1 175	1 328	1 247	1 040
Наманган	1 234	1 303	1 491	1 538	1 511
Самарқанд	1 503	1 603	1 871	1 973	1 973
Сурхондарё	855	1 063	1 031	1 007	1 073
Сирдарё	211	721	776	666	718
Тошкент	1 865	1 933	2 713	2 727	2 793
Фарғона	2 341	2 442	2 661	2 212	2 430
Хоразм	1 039	1 133	1 205	1 186	1 304
Тошкент.ш	24 389	29 674	30 142	34 687	40 964

<sup>79</sup> Муаллиф томонидан маълумотлар асосида қайта тузилди

<sup>80</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумоти



Рақамли технологиялар ходимни юқори малака ва билим билан бирга масъулиятни ўз зиммасига олишни ва меҳнат фаолиятини мустақил равишда амалга оширишни талаб қилмоқда. Эндиликда ходим ўз меҳнат фаолиятини ўзи тартибга солади, меҳнат ҳақи Интернет орқали амалга оширилади. Ходимни меҳнат фаолиятининг ташқи назорати унинг ўзини жалб этмаган ҳолда маълумотлар, ҳисоботлар орқали амалга оширилади.

Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида меҳнат фаолиятини самарали ташкил этиш ва юритишда энг муҳим муаммолардан бири малакали ходимларни жалб қилиш масаласи ҳисобланади. Бугунги кунда жаҳон иқтисодиёти глобаллашувининг жадал суръатлар билан ривожланиши ва Интернет тизимидан кенг миқёсда фойдаланиш имкониятини пайдо бўлиши, ушбу муаммони ҳал этиш имконини бермоқда (Насимов, 2020).

Шунингдек, рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида иш билан бандлик соҳасида ҳам жиддий ўзгаришлар содир бўлаётганлиги замонавий билим ва малака кўникмаларига эга бўлган мутахассисларга талаб мунтазам равишда ортиб бораётганлигининг исботидир. Бунда ходимларнинг иш жойлари ва меҳнат шароитларида ҳам ўзгаришлар юзага келмоқда. Рақамли иқтисодиётга ўтиш иш билан бандлик таркибининг ўзгариши, ходимлар интеллектуал салоҳиятидан самарали фойдаланиш ҳамда инновацион жараёнлар самарадорлигини оширувчи омиллар таъсир даражасини кенгайтириши юзага келтирмоқда. Интеграция жараёнлари ва глобаллашув, меҳнат бозорини ахборотлар билан таъминланиши, ходимларнинг мобиллиги ошиши ва сифат жиҳатидан янги иш ўринларининг пайдо бўлиши иш ўринлари учун ишчи кучи ўртасида ва малакали ишчи кучи учун иш берувчилар ўртасида рақобатнинг кучайишини юзага келтирмоқда.

Мамлакатимизда аҳолини иш ўринлари билан таъминлашнинг инновацион шакллари оммалаштириш ҳамда шарт-шароитларни яратиш муҳим аҳамият касб этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибасини ўрганган ҳолда таъкидлашимиз мумкинки, аҳолини иш ўринлари билан таъминлашнинг замонавий ҳамда истиқболли шаклларида бири – бу масофавий иш билан бандлик ҳисобланади. Уй меҳнатининг асосий устунлиги, унинг мослашувчанлигидадир. Ходимлар корхона жойлашувидан қатъий назар ўзаро келишув асосида меҳнат фаолиятини масофавий тарзда ташкил этиш имкониятига эгадир.

Бизнингча, масофавий иш билан бандлик – иш берувчи ва ходим алоҳида биноларда жойлашган ҳолда ахборот-коммуникацион технологиялар орқали ўзаро алоқада бўлувчи иш билан бандлик шаклига айтилади.

Масофавий иш билан бандлик қуйидаги турларини ажратиш мумкин:

– уй меҳнати. Айрим вазифаларни уй шароитида бажаришни назарда тутати. Касаначилик бунга мисол бўлади;

– масофавий иш билан бандлик, айрим адабиётларда улар, телебандлар ёки телекоммунотерлар сифатида келтирилади. Улар меҳнат фаолиятини масофадан туриб амалга оширади. Иш берувчи ҳамда ходим ўртасида меҳнат шартномаси тузилади;

– мобил масофавий иш билан бандлик. Шахсий компьютер ёки Интернет алоқаси бўлмаганда ҳам амалга оширилиши мумкин. Бунга мисол қилиб, савдо агентларини келтириш мумкин;

– фрилансинг, бунда ходим, корхонага ходим сифатида расмийлаштирилмаган ҳолда меҳнат фаолиятини, айрим вазифаларни бажаради.

Иш билан бандликнинг замонавий шакллари устунликлари ва камчиликларини ажратиш чикамиз. Иш билан бандликнинг замонавий шакллари афзаллиги - ишчи ҳам, иш берувчи учун ҳам иш вақтидан оқилона фойдаланишдир. Шу сабабли меҳнат бозорининг эгилувчанлиги ошиб бормоқда, чунки ҳар бир инсон ўзига қисқа муддатга (бегиланган топшириқни бажаргунга қадар) иш берувчини танлайди ва юқори компетенцияга эга бўлади, фуқароларнинг, шу жумладан ногиронлиги бўлганларнинг иш билан бандлик даражаси ошишига олиб келади, янги иш жойлари пайдо бўлади, ишга олиш ва ишдан бўшатиш тартиби содалаштирилади. Корхоналар учун ходимларни ишлаб чиқариш пасайган тақдирда зарур ишчиларни сақлаб қолиш имконияти пайдо бўлиши туфайли харажатлар камаяди, ойлик иш ҳаққи миқдорлири эса ўзгаришсиз қолдирилади. Мамлакатимизда ахборот ва алоқа ходимларининг иш ҳаққи ўртача 7 560 000 сўмни ташкил қилмоқда (3-жадвал).

**Асосий иқтисодий фаолият тури “Ахборот ва алоқа” бўлган ходимларга  
ҳисобланган ўртача ойлик номинал иш ҳақи<sup>81</sup>**

Худудлар	2018	2019	2020	2021	2022
<b>Ўзбекистон Республикаси</b>	<b>3 329,6</b>	<b>3 968,8</b>	<b>4 390,5</b>	<b>5 577,2</b>	<b>7 560,8</b>
Қорақалпоғистон Республикаси	1 948,9	2 322,3	2 437,0	2 841,4	3 681,5
Андижон	1 779,1	2 138,5	2 278,0	2 824,2	3 713,6
Бухоро	1 819,9	2 216,9	2 594,7	3 018,3	4 289,2
Жиззах	1 897,1	2 022,8	2 812,3	3 650,8	4 696,5
Қашқадарё	1 794,3	2 194,6	2 529,8	3 155,9	3 909,1
Навоий	1 870,0	2 068,6	2 538,8	3 090,2	4 106,7
Наманган	1 934,6	2 397,9	2 427,4	2 945,9	3 675,3
Самарқанд	1 557,6	1 894,8	2 410,8	3 438,2	5 023,4
Сурхондарё	1 896,2	2 208,3	2 743,7	3 945,6	4 093,5
Сирдарё	1 353,5	2 004,6	2 460,1	2 926,0	3 938,8
Тошкент	2 272,7	2 214,6	2 181,8	3 060,3	4 627,4
Фарғона	1 895,4	2 232,5	2 472,2	2 940,3	4 187,0
Хоразм	1 779,7	2 076,0	2 408,8	2 964,8	4 041,4
Тошкент.ш	4 212,7	4 953,0	5 512,0	6 851,2	9 148,7

Иш билан бандликнинг фриланс ва масофавий иш билан бандлик каби замонавий шакллари чегаралар ва узоқ масофалар билан чекламасдан исталган макондан иш берувчилар билан меҳнат муносабатларини йўлган қўйиш имконини беради (Frey, Osborne, 2018).

Фрилансерни саралаганда иш берувчи ташқи кўриниш, ёши, жинси, маълумотидан кўра қобилияти ва бажарилган ишлари тақдомоти асосида иш тажрибасига эътибор қаратади.

Ишга қабул қилишнинг ноанъанавий шакллари асосий камчиликлари норасмий ва ишсизликнинг ривожланиши деб қараш мумкин, чунки меҳнат муносабатлари ҳар доим ҳам расмийлаштирилмайди, бунинг натижасида ходим низолаз юзага келганда ўз ҳуқуқларини ҳимоя қила олмаслиги хатарлари мавжуд.

Иш билан бандликнинг замонавий шакллари юқори мотивацияга эга бўлган ва салмоқли инсоний ва ижтимоий капиталга ега бўлган мустақил мутахассисларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Шу муносабат билан, улар мамлакатимиз иқтисодиётини модернизациялашнинг муҳим субъектлари бўлиб, ўз фаолиятини амалга ошириш учун рақамли технологиялардан фойдаланиш имкониятлари шахсий ривожланиш истиқболларини кенгайтиради.

### **Хулоса ва таклифлар.**

Олиб борган тадқиқотларимиз асосида қуйдаги хулоса ва таклифларни келтириб ўтишимиз мумкин.

1. Ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг турли йўналишларига рақамли иқтисодиётнинг таъсирини баҳолаш назарияси ва методологияси миллий меҳнат бозори билан ўзаро ҳамкорлигини баҳолаш билан узвий боғлиқ, чунки меҳнат бозори рақамли ва ахборот технологияларининг инфратузилмавий ва кадрлар таркибий қисмларини самарали татбиқ этиш билан бевосита боғлиқ. Тадқиқот ишида Ўзбекистонда амалга оширилаётган рақамли иқтисодиётни ривожлантириш билан боғлиқ жараёнлар меҳнат бозорига жиддий эътибор қаратишни, хусусан, унинг фаолияти самарадорлигини баҳолаш ва бундай баҳолаш усулларини ишлаб чиқишни талаб қилиши исботланди.

<sup>81</sup> [www.stat.uz](http://www.stat.uz) Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Статистика агентлиги маълумоти

2. Иқтисодиёт ва меҳнат бозорини рақамлаштириш жараёнларининг ўзаро ҳамкорлигидаги умумий тенденция шундан иборатки, меҳнат бозори фаолияти натижаси сифатида рақамли технологияларнинг ривожланиши ва бандлик ҳамда ишсизлик даражаси эволюцияси ўртасида тизимли таркибий муносабатлар мавжуд эмас.

3. Иқтисодиётни рақамлаштириш ва меҳнат бозорини ривожлантириш жараёнларидаги ўзаро ҳамкорлигини баҳолаш учун рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида меҳнат бозори фаолият юритиши самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқиш зарурлиги ҳолатлари асослаб берилди.

4. Рақамли иқтисодиётга ўтиш шароитида меҳнат бозори фаолият юритиши самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолаш усуллари ишлаб чиқишда зарур бўлган асосий бўлимлари, меҳнат бозори тўғрисидаги маълумотларнинг ахборот базаси ва меҳнат бозорининг тегишли ахборот модели, уларнинг самарадорлигини баҳолаш мезонлари аниқланди.

5. Рақамли иқтисодиётнинг намоён бўлиши ва меҳнат бозори ўртасидаги ўзаро боғлиқликни таҳлил қилиш рақамли ва ахборот технологияларининг ривожланиш тенденциялари маҳсулот бирлигини ишлаб чиқаришга сарфланадиган иш вақти харажатларини аниқ қисқартирса ҳам ишсизликни келтириб чиқармайди, ammo иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида иш жойларининг тури, миқдори ва сифати ҳамда бажарилаётган ишнинг таснифи ўзгариб боради деган хулосага келишга имкон берди.

#### **Адабиётлар/Литература/Reference:**

Абдурахмонов К.Х. (2019) *Меҳнат иқтисодиёти: назария ва амалиёт*. Дарслик. Қайта ишланган ва тўлдирилган 3-нашри. –Т.: «FAN», 552-б.

Frey C. B., Osborne M. A. (2018) *The future of employment: How susceptible are jobs to computerisation.* – Oxford Martin Working Papers. [https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The\\_Future\\_of\\_Employment.pdf](https://www.oxfordmartin.ox.ac.uk/downloads/academic/The_Future_of_Employment.pdf).

Одегов Юрий Геннадьевич, Павлова Валентина Васильевна (2018) *Новые технологии и их влияние на рынок труда // Уровень жизни населения регионов России.* №2 (208). - С. 60-70.

Schwab K. (2017) *The fourth industrial revolution.* – Currency, – 192 p.

Shkarlet S. et al. (2020) *Transformation of the paradigm of the economic entities development in digital economy //WSEAS transactions on environment and development.* – Т. 16. – №. 8. – С. 413-422.

Sizova I. L., Khusyainov T.M. (2017) *Labor and employment in the digital economy: the problems of the Russian labor market.*

Холмўминов Ш., Умурзаков Б., Махмудов Т. (2020) *Қишлоқ жойларда аҳолини норасмий иш билан бандлигини камайтиришнинг стратегик ижтимоий-иқтисодий аҳамияти //Архив научных исследований.* – №. 3.

Махсуд Махаммадиев (2022) *Methods of perspective development and efficiency assessment of the labor market in the digital economy Scientific Journal of "International Finance & Accounting" Issue 2, April. ISSN: 2181-1016 1-10*

Насимов Дилмурод Абдуллоевич (2020) *Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш шароитида иш билан бандликнинг замонавий шакллари "Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar" ilmiy elektron jurnali.* № 4, iyul-avgust, 4.

Узақов Ортиқ Шаймарданович. (2023). **РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ШАРОИТИДА БАНДЛИКНИНГ ЗАМОНАВИЙ ШАКЛЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШНИНГ УСЛУБИЙ АСОСЛАРИ** Узақов Ортиқ Шаймарданович. *Zamonaviy Dunyoda Innovatsion Tadqiqotlar*, 2(8), 74–84. <https://doi.org/10.5281/zenodo.7720959>